



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

Филиал ташкил қилинганлигининг 30 йиллигига бағишланган
**«ТИББИЁТДА МИНИИНВАЗИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ»**
мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман тўплами.



МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ
УРГЕНЧСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

**«ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ МАЛОИНВАЗИВНЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ В МЕДИЦИНЕ »**

Материалы Международной научно-практической конференции
посвящённой 30 летию основания филиала

Тахририят хайъати:

Редакционная коллегия:

Шадманов А.К., Исмаилов У.С., Рузибаев Р.Ю., Абдуллаев Р.Б., Батиров Д.Ю.,
Юлдашев Б.С., Хаджиев Д.Ш., Сапаев О.Қ., Юсупова М.А., Матризаева Г.Дж.,
Авезов М.И., Машарипов О.О., Сапаева Ш.А., Сатликов Р.К., Мадримова А.Г.,
Ходжаниязов А.А., Хаджиева Н.М.

**ТТА Урганч филиали
Кенгаши томонидан 2022 йил
27 августда чоп этишга
тавсия этилган, (1-сон
баённома)**

Ушбу илмий ишлар тўпламида тиббиёт олий ўқув юрғларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар бажараётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ўрин олган. Тезисларнинг мазмуни ва улардаги хатоликлар учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

В сборник научных трудов вошли результаты научно-исследовательских работ, проведенных профессорско-преподавательским составом медицинских ВУЗов. Тезисы не рецензируются. За содержание и достоверность указанной информации ответственность несут авторы.

29-30 сентябрь 2022 йил. Урганч. Ўзбекистон

ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Шерқўзиева Г.Ф., Умиров Ш.С

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Шифохона ичи инфекциялари бутун дунёда, шу жумладан бизнинг юртимизда ҳам замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Даволаш муассасаларига келиб тушадиган беморларнинг камида 5-20 % шифохона ичида зарарланиш таъсирида бўладилар. Турли йўналишдаги стационарларда шифохона ичи инфекциялари даврий равишда эпидемик тарзда авж олади. Шифохона ичи инфекциялари ортиб бориши куйидаги қамровли омиллар билан боғлиқдир: хавф омиллари контингенти – замонавий тиббиёт ютуқлари туфайли парвариш қилинадиган ва даволанадиган беморларнинг кўпайиши, “ҳаётнинг иккита кутбида” жойлашувчи беморлар улушининг ортиши, беморлар орасида кекса ёшдагиларнинг кўпайиши, ер шари аҳолисида носпецифик ҳимоя кучларининг пасайиши, диагностика ва даволаш учун мураккаб мосламалар ва асбобларнинг кенг қўлланилиши, даволаш муассасаларида санитария-гигиеник тартибнинг бузилиши шифохона ичи инфекциялари билан касалланишнинг кескин ортиши ва авж олишига олиб келади. Замонавий босқичда асбоб-ускуналарнинг кўпгина турларини ишончли тарзда зарарсизлантириш қийиндир (гемодиализ, ўпкани суъий вентиляция қилиш учун аппаратлар, бронхоскоплар ва бошқалар). Сўнгги йиллардаги кузатувлар кондиционерлардан фойдаланиш бўйича етарлича назоратнинг йўқлиги сабабли улар орқали легионеллезлар билан зарарланишнинг реал хавфи мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Стерилланган ҳавонинг ўтказилишини таъминловчи ламинар мосламаларнинг қўлланилиши инфекция кўзгатувчиларининг ҳаво-томчи юқиш йўлини олдини олиши мумкин. Ҳаводаги микроблар ҳажмини камайтиришда рециркуляцион ҳаво тозалагичлар ёрдамида камайтириш мумкин. Вентиляцион тизим устидан назорат қилиш муҳим аҳамият касб этади ҳар чоракда 1 марта санитария-эпидемиология осайишталик ва жамоат саломатлиги хизмати мутахассислари томонидан ташқи муҳит (ҳаво, ташқи муҳит объектларидан суртмалар, асбоблар, боғлов материаллари ва ҳ.к.ларнинг стериллиги) лаборатория назорати амалга оширилиши кўзда тутилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики шифохона ичи инфекцияларининг юзага келишида ДПМларда санитар-гигиеник тартибга риоя қилиш муҳим рол ўйнайди, шу сабабли биз шифохоналардаги ҳаво ҳаракати тезлигини гигиеник баҳоладик ва куйидаги натижаларни олдик: асаб касалликлари бўлими палаталарида ҳаво ҳаракати тезлиги 0.06-0.22 м/сек, асаб касалликлари бўлими катта ҳамшира хонасида 0.04-0.06 м/сек, маслаҳат поликлиникасидаги катта ҳамшира хонасида 0.03-0.11, м/сек, маслаҳат поликлиникасидаги муоложа хонасида 0.06-0.08 м/сек, қабул бўлимидаги шифокор хонасида 0.03-0.06 м/сек, қабул бўлимидаги тезкор биокимёвий лаборатория хонасида 0.04-0.07 м/сек, қабул бўлимидаги катта ҳамшира хонасида 0.02-0.05 м/сек эканлиги аниқланди. Олинган натижаларнинг тахлили шуни кўрсатадики барча текширилган хоналарда ҳаво ҳаракати тезлигини гигиеник талабларга мос келади.

ОЧИҚ СУВ ХАВЗАЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ХОЛАТИ

Шерқўзиева Г.Ф., Бобоева И.Ў.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

Марказий Осиёдаги сув муаммоси сезиларли экологик муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда муаммони ҳал этишда кучли қонунчилик яратилган хусусан “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги қонун мавжуд. Қонуннинг 11 модда: Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш шартларида куйидагилар белгилаб қўйилган: “Сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, иншоотларни ҳамда бошқа

объектларни жойлаштириш, лойихалаш, куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва ишга туширишда, янги технологик жараёнларни жорий этишда аҳолининг ооғлиғини сақлаш ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини ҳамда маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш талабларига риоя этган ҳолда сувдан оқилона фойдаланиш, шунингдек коллектор-дренаж сувларини ва оқинди сувларни чиқариб юборишнинг қулай режими таъминланиши лозим”. Маълумотлара кўра ер юзидаги аҳолининг 3 млрд. га яқини сифатсиз ичимлик сувидан фойдаланади, бунинг натижасида аҳоли ўртасида юқумли ва ноюқумли касалликлар тарқалмоқда, чунки очиқ сув хавзалари ифлосланса улардан ичимлик суви маънбаси сифатида фойдаланиш чекланади ва хавфли ҳисобланади. Айниқса юқумли касалликлардан қорин тифи, вабо, гепатит А, колиэнтерит, айрим ҳолларда эса сил касалликлари, ринит, Ку- иситмаси эхинококкоз ва бошқалар тарқалиши мумкин. Юқумли бўлмаган касалликларни келиб чиқишида сув таркибидаги кимёвий моддаларга боғлиқ бўлиб макроэлементлар (натрий, калий, кальций ва бошқалар) ва микроэлементларга ҳам боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз сув объектларининг ифлосланиш ҳолатини текширдик. 2019 йили кузатувга олинган 3 та очиқ сув хавзасидан бактериологик текширувлар учун 243 та сув намуналари олинган бўлиб, улардан 19 та намуна гигиеник талабларга жавоб бермаган. Кимёвий текширишлар учун эса 278 та намуна олинган бўлиб улардан 126 та намуна умумий қаттиқлиги буйича меъёрларга мос келмаган. 2020 йили эса кузатувдаги 3 та очиқ сув хавзасидан бактериологик текширувлар учун 264 та сув намуналари олинган бўлиб, улардан 26 та намуна гигиеник талабларга жавоб бермаган. Кимёвий текширишлар учун эса 306 та намуна олинган бўлиб, улардан 32 та намуна умумий қаттиқлиги буйича меъёрларга мос келмаган. Ҳар иккала кузатув йилларида сувда патоген флора аниқланмаган. Олинган натижалар тахлили шуни кўрсатадики 2019 йилга нисбатан 2020 йил очиқ сув хавзалари сувининг қаттиқлиги даражаси буйича гигиеник талабларга жавоб берадиган намуналар кўпни ташкил этган, бу эса сув хавзаларини санитария муҳофазалашда олиб борилаётган профилактик чора тадбирларнинг самарасини кўрсатади.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ.

Юсупов И.С.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Мустақиллик йилларида ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби ижтимоий-иқтисодий инфратузилманинг муҳим тармоғи ҳисобланган почта хизматини тубдан ислоҳ этиш, уни жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан мамлакатимизда почта алоқа тизимини хуқуқий асосларини яратилиш борасида қатор қонун қарор фармон ва фармоишлар қабул қилинди.

1997 йилда почта алоқасини, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва соҳага хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 июлдаги “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1823-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги 380-сон қарорига асосан, “Ўзбекистон почтаси” Давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди¹¹. “Ўзбекистон почтаси” Давлат

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 380-сонли қарори.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ДАВР ТАЛАБИ.	446
<i>Фозилов Ф.О.</i>	446
“ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ – ВАТАНПАРВАР САРКАРДА” МАВЗУСИДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРНИ ЎТКАЗИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ	448
<i>Худайбергенова А.Қ.</i>	448
МЕРЫ ПО РАЗВИТИЮ ОТРАСЛЕЙ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА, КАК ХЛОПКОВОДСТВО И РИСОВОДСТВО, НА ОСНОВЕ ПРИБРЕТЕНИЯ НОВЫХ ЗЕМЕЛЬ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ (1950-80 ГОДЫ)	451
<i>Худайкулова Н.А.</i>	451
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ ТАЛАБАЛАРИ ОРАСИДА МИОПИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛИШИДАГИ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАР	451
<i>Ҳасанов Ш.М., Ережепов Қ.Т., Абдуллаев И.К.</i>	451
THE IMPORTANCE OF HEALTHY NUTRITION IN ATHLETES	452
<i>Shamuratova N.Sh., Ruzmatova D.A.</i>	452
АВТОТРАНСПОРТ ШАҲАР АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА	453
<i>Шерқўзиева Г.Ф., Аллаярова Г.А., Оразбаева Ш.Е.</i>	453
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ	454
<i>Шерқўзиева Г.Ф., Умиров Ш.С.</i>	454
ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ САНИТАРИЯ ХОЛАТИ	454
<i>Шерқўзиева Г.Ф., Бобоева И.Ў.</i>	454
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ	455
<i>Юсупов И.С.</i>	455
XIVA MADRASALARINING VA’ZI JIHATLARI	458
<i>Yusupov H.S.</i>	458
РАСПРОСТРАНЁННОСТЬ ВРЕДНЫХ ПРИВЫЧЕК СРЕДИ СТУДЕНТОВ 2 КУРСА УРГЕНЧСКОГО ФИЛИАЛА ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ	459
<i>Юсупова Б.Ш., Сафобоев Д.</i>	459